

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI
OLIIY ATTESTATSIYA
KOMISSIYASI**

100047, Toshkent sh., Y. Gulomov ko'chasi, 70
Tel.: (71) 233-28-83. Fax: (71) 233-06-47
e-mail: info@oak.uz www.oak.uz



**SUPREME ATTESTATION
COMMISSION
AT THE CABINET OF MINISTERS
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

70, Y. Gulomov str., Tashkent, 100047
Tel.: (71) 233-28-83. Fax: (71) 233-06-47
e-mail: info@oak.uz www.oak.uz

Javob qaytarganda shu № ko'rsatilsin
When you answer show this №

№ р.д-11/1213 « 12 » май 2021 y.

**Тошкент давлат иқтисодиёти университети
проректори Г.Қ.Абдурахмановага**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Сизнинг 2021 йил 28 апрелдаги 04-04/1-1826-сон хатингизга жавобан 08.00.07 ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқланганини маълум қилади.

Асос: ОАК Иқтисодиёт фанлари бўйича эксперт кенгаши тавсияси.

Илова: 1 варак.

Раис

А.Юсупов

Илова

Тошкент давлат иқтисодиёти университети
08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича малакавий
имтиҳон комиссияси таркиби

№	Ф.И.Ш.	Лавозми
1	Худойқулов Садриддин Каримович	Раис
2	Рахмонов Дилшоджон Алиджонович	Раис ўринбосари
3	Бердияров Бахриддин Тавашарович	Илмий котиб
4	Алимардонов Илхом Музrabшохович	Аъзолар
5	Муминов Шерзод Холмирзаевич	
6	Атаниязов Жасур Хамидович	
7	Бурхонов Актам Усманович	

ASLIGATO'G'RI

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Тошкент давлат иқтисодиёт
университети Илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори
Г.Ж. Абдурахманова**



(Handwritten signature)

2021 й.

**08.00.07. - «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги бўйича
малакавий имтиҳон**

ДАСТУРИ

КИРИШ

Республикамизда банк-молия соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уларнинг кўламини кенгайтириш масалалари энг устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида мустақил тараққиёт даврда иқтисодиётда бозор ислоҳотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва банк-молия тизими пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади. Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг қуйидаги вазифалари белгилаб олинди:

- харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;

- солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш;

- илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда, пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек, валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш;

- банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истикболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш;

- суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобидан кенгайтириш, шунингдек, капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш;

- халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта

ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш¹.

Шу сабабли, "Молия, пул муомаласи ва кредит" ихтисослигидан малакавий имтиҳони дастури тузишда юқорида қайд этилган вазифалардан келиб чиқилди. Дастур иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгор таянч докторант ва мустақил изланувчиларнинг банк, молия, солиқ, суғурта, қимматли қоғозлар ва халқаро валюта-кредит муносабатларининг назарий ва амалий жиҳатларига оид билимларини баҳолаш имконини беради.

Дастур 08.00.07 - «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгор таянч докторант ва мустақил изланувчилар учун малакавий имтиҳонларга тайёрланиш ва уни топшириш учун мўлжалланган.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

АСОСИЙ ҚИСМ

МОЛИЯ

Молиянинг келиб чиқиши, уни давлат ва пул-товар муносабатларини ривожлантиришдаги ўрни. Молия тўғрисидаги фаннинг ривожланиши. Давлат молияси назарияси. Молия фанининг асосчилари (А.Смит. Д.Рикардо). Молиянинг иқтисодий моҳияти ва функциялари. Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида молиянинг роли. Молиянинг моҳияти ва функциялари тўғрисида илмий қарашлар. Молиявий ресурслар. Молиянинг иқтисодий қонунлар ва иқтисодий категориялар билан ўзаро боғлиқлиги.

Ўтиш иқтисодиёти даврида молиянинг хусусиятлари. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикасининг молияси. Иқтисодиётни тартибга солишда молиянинг роли ва тутган ўрни.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини тартибга солишда молиядан фойдаланишнинг асосий йўналишлари.

Молия тизими: хусусияти, соҳалари ва тармоқлари. Молиявий сиёсат. Пул ва молиявий оқимлар, уларнинг ўзаро боғлиқликлари.

Молиявий бошқарув органлари. Бошқарув механизмлари: прогнозлаштириш, режалаштириш ва назорат. Молиявий институтлар ва бозорлар, уларнинг функциялари. Молиявий бозорлар орқали ресурсларни қайта тақсимлаш хусусиятлари.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида молиянинг қайта тақсимлаш функцияси. Молиявий назорат ўтказишнинг шакллари ва усуллари. Солиқ ва божхона тизимлари. Солиқлар ва бождарни ундиришнинг молиявий-ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикасининг молия тизими. Ўзбекистон молия тизимининг соҳалари ва бўғинлари. Молия тизими соҳа ва бўғинлари ўртасидаги молиявий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Иқтисодий агентларнинг молиясини шакллантириш ва фойдаланиш механизмларининг умумий тавсифи. Уй хўжалиги молиясини тартибга солишнинг хусусиятлари.

Иқтисодий агентлар молиясини Давлат бюджети билан алоқалари. Бюджет тизимини бошқариш тамойиллари.

Турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар молиясининг хусусияти ва функциялари. Уларни шакллантириш тамойиллари ва механизмлари. Тижорат асосида фаолият юритувчи корхоналар молиясининг мазмуни ва уларни ташкил этиш тамойиллари. Давлат корхоналари молияси ва уларни ташкил этиш. Нодавлат шаклдаги корхона ва ташкилотлар молияси ва уларни ташкил этиш. Хусусий тадбиркорлик молияси. Нотижорат асосида фаолият юритувчи корхоналар молияси. Корпорациялар молиясини шакллантириш хусусиятлари. Корхонанинг молиявий таҳлили ва молиявий стратегияси. Давлат, ҳудудий, акционерлик, хусусий, ижара ва бошқа корхоналар молиялари.

Хўжалик субъектлари ихтиёрида шаклланадиган фондлар, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва тафовутлари. Номарказлашган фондларнинг молиявий манбалари. Хорижий инвестицияли корхоналар молиявий муносабатлари. Устав капиталининг шаклланиш манбалари. Реал секторда фаолият юритувчи корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарурияти.

Давлатнинг молиявий сиёсати. Молиявий сиёсатнинг асосий йўналишлари. Молиявий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг роли. Молиявий сиёсатни амалга ошириш механизмлари. Давлат молия сиёсати, хўжалик субъектлари молия сиёсати. Молиявий сиёсат стратегияси ва тактикаси. Молияни Давлат томонидан тартибга солиш. Макро даражада молияни бошқариш. Ўтиш даврида иқтисодиётни молиявий соғломлаштириш шакллари. Молиявий механизм, унинг таркибий қисмлари ва элементлари. Молиявий дастаклар ва рағбатлантириш тизими.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида молиявий механизмларнинг қайта шаклланиши. Турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар молиясини бошқариш. Корпоратив бошқарув. Давлат молиявий назоратининг турлари ва уни амалга оширувчи органлар. Молиявий назоратни ташкил этиш. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида молиявий назоратнинг роли ва аҳамияти. Назорат тизими самарадорлигини ошириш йўллари. Аудиторлик назоратининг барпо этилиши ва ривожланиши. Ўзбекистон Республикасининг молиявий сиёсати. Ўзбекистон Республикасининг халқаро капиталлар бозори билан алоқалари.

Бюджетнинг хусусияти ва роли. Унитар ва федератив давлатларнинг бюджет тузилмаси ва тизими. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тузилмаси ва тизими. Бюджет тизими фаолиятининг асосий тамойиллари. Бириктирилган ва тартибга солувчи даромадлар. Давлат бюджети ва оила бюджетини лойиҳалаштиришдаги тафовутлар. Бюджет тизимининг алоҳида тармоқлари ўртасида даромад ва харажатларнинг тақсимланиши. Бюджет таснифининг асосий тамойиллари. Бюджет даромадлари ва харажатларининг таснифи. Бюджет дефицитини молиялаштириш манбалари таснифи. Турли даражадаги бошқарув органларининг бюджет ҳуқуқлари. Давлат қарзлари турларининг таснифи.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан республикамизнинг йирик тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш, Ҳукумат, маҳаллий ҳокимияти органлари томондан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Ривожланган давлатларда бюджет жараёни. Бюджет жараёнининг мазмуни ва макроиқтисодий асоси. Бюджет жараёнини ташкил этиш асослари ва унинг вазифалари. Бюджет режалаштирилиши, иштирокчилари ва уни ташкил этиш тамойиллари. Бюджет жараёни босқичлари. Давлат бюджетини шакллантириш жараёни. Бюджет лойиҳасини тузиш. Қонун чиқарувчи органларда бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш. Бюджетни ижро этиш тизими ва унинг назорати. Бюджет ижроси ва уни тасдиқлаш.

Давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва роли. Турли иқтисодиётларда бюджет тузилмаси. Хорижий мамлакатларда Давлат

бюджетининг роли. Давлат бюджети даромадларининг таркиби ва структураси. Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг тавсифи. Субсидиялар, субвенциялар, дотациялар, бюджет ссудаси.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг таркиби ва структураси. Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар. Турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги ўзаро алоқалар. Бюджетни тузиш ва ижро этиш. Бюджет дефицити, қоплаш манбалари ва уларни тартибга солиш механизмлари. Бюджет профицити.

Бюджет даромадларининг структураси. Бюджет даромадларининг иқтисодий мазмуни. Солиқларнинг иқтисодий табиати ва функциялари. Республика бюджети даромадлари. Маҳаллий бюджетлар даромадлари. Ўзбекистон Республикаси субъектлари бюджетларининг даромадлари. Бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш зарурияти.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими. Бюджетнинг солиқсиз даромадлари. Бюджет харажатларининг мазмуни. Бюджет кредити, субсидиялари, субвенциялари, дотациялари ва инвестициялари. Резерв фонди.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатларини мувозанатлашган ҳолда тасдиқлашнинг зарурати. Давлат бюджетда секвестер механизмидан фойдаланиш зарурати.

Давлат кредитининг зарурлиги, унинг моҳияти ва функциялари. Давлат кредитининг мазмуни ва аҳамияти. Давлат кредити шакллари. Давлат кредитини бошқариш. Давлат қарзлари таснифи. Давлат қарзининг турлари ва такомиллаштириш йўллари. Давлат қимматбаҳо қоғозлари ва уларнинг Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда ва дефицитини қоплашдаги роли.

Давлат қимматли қоғозлари бозори ва уни фоиз ставкаларини тартибга солишдаги аҳамияти. Макроиктисодий тартибга олиш ва давлат қимматбаҳо қоғозлари бозори.

Марказий банкнинг ҳукумат кредитлари ва уларнинг пул айланмасига таъсири. Давлат кредити ва унинг Ўзбекистон Республикасидаги хусусиятлари.

Бюджетдан ташқари мақсадли фондларнинг иқтисодий моҳияти ва уларни молия тизимидаги аҳамияти. Молия тизимида бюджетдан ташқари ва бошқа тармоқлар ўртасидаги боғлиқликлар. Бюджетдан ташқари мақсадли фондларни ташкил этиш сабаблари ва уларнинг турлари. Бюджетдан ташқари мақсадли фондларни шакллантириш манбалари ва маблағлардан фойдаланиш йўналишлари.

Давлат маблағлари ҳисобидан банкларнинг капиталлашиш даражасини ошириш, қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши ҳажмини ошириш.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг Ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ғазначиликнинг вазифалари. Ғазначилик тизимига юклатилган вазифаларни амалга оширишда бошқарув органлари, маҳаллий ҳокимиятлар, Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, тижорат банклари ва бошқа ташкилотлар ўртасида ҳамкорликдаги фаолият.

Ғазначилик тизимиға ўтишнинг объектив зарурлиги. Ғазначилик тизими жорий этилгандан кейинги дастлабки молиявий самаралар. Хорижий давлатларда Ғазначиликнинг асосий вазифалари. Бюджет ижросининг асосий босқичларида Давлатнинг молиявий назорати. Бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни назорат қилишда Ғазначилик органларининг асосий вазифалари. Молия ва Ғазначилик органлари вазифаларининг тақсимланиши.

Бюджет-молия сиёсатини такомиллаштириш, ресурслар ва энергияни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобидан тежамкорлик режимини янада қатъийлаштириш.

ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ

Пулнинг моҳияти ва намоён бўлиш шакллари. Пулнинг миқдорийлик назарияси. Пулнинг номиналлик назарияси. Металл пуллар назарияси. Замонавий монетаризм. Ж.М.Кейнснинг пулларга талаб ва пуллар таклифи хусусидаги назарий қарашлари.

Жамиятнинг иқтисодий ривожланишида пулнинг роли. Пулнинг пайдо бўлиши. Қоғоз пуллар. Кредит пуллари. Пулларнинг олтин билан таъминланиши. Банкноталар эмиссияси.

Ички талабни рағбатлантиришга қаратилган пул-кредит сиёсати ва уни амалга ошириш йўллари.

Пул муомаласи тушунчаси. «Пул айланмаси» тушунчасининг мазмуни. Пул айланмасининг таркиби: нақд ва нақдсиз пул айланмаси. Пул муомаласи қонуни. Пулга бўлган талаб ва таклиф. Пул массасининг таркиби ва динамикаси. Пул айланишининг суръати ва унинг пул массасига таъсири. Пул агрегатлари ва уларнинг тавсифи. Пулнинг қадрсизланиши ва унинг асосий сабаблари. Инфляция, сабаблари, турлари ва оқибатлари.

Ўзбекистонда инфляция ва инфляцион жараёнлар: унинг ўзига хос хусусиятлари; инфляцияга қарши кураш тадбирлари; инфляцияни юзага келтирувчи номонетар ва монетар омиллар.

Ўзбекистон Республикасида нақд пул муомаласининг ўзига хос хусусиятлари. Банкларнинг касса айланмасини прогнозлаш. Ўзбекистонда нақд пул ҳаракатини ташкил этиш ва уни назорат қилиш.

Глобаллашув шароитида жаҳон хўжалигида реал қийматга эга бўлмаган пул ҳажмининг кўпайиши сабаблари ва унинг олдини олиш йўллари.

«Пул тизими» тушунчасининг мазмуни. Пул тизимининг асосий шакллари: биметаллизм, монометаллизм, олтинга алмашинмайдиган кредит пуллари тизими. Пул тизимининг асосий элементлари. Пулнинг турлари. Қоғоз пуллар, келиб чиқиши ва қадрсизланиш сабаблари. Кредит пуллари, вексель ва вексель муомаласи. Банкноталар. Чеклар ва чек муомаласи. Пластик карточкалар. Пул эмиссияси тартиби. Пул мультипликатори. Пулнинг харид қобилияти ва унинг барқарорлигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси пул тизими: миллий пул бирлиги «сўм»нинг барқарорлигини мустаҳкамлаш истикболлари.

Пул маблағларининг улкан эмиссияси натижасида муомалада ортиқча пул массасининг пайдо бўлишининг салбий оқибатлари ва унга йўл қўймаслик чоралари.

Кредитнинг моҳияти. Кредитнинг функциялари. Кредитнинг шакллари ва турлари.

Банк кредити ва унинг бозор иқтисодиёти шароитида ривожланиши. Тижорат кредити ва унинг ривожлантириш истикболлари. Ижтимоий-йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида давлат кредити.

Ссуда капитали ва кредит. Ссуда фоизининг мазмуни ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар. Ссуда фоизининг меъёри. Пул-кредит орқали тартибга солиш тизимида марказий банкнинг фоиз сиёсати.

Ссуда капиталлари бозори. Ссуда капиталлари бозорининг моҳияти ва функциялари. Ўзбекистон Республикасида ссуда капиталлари бозорининг шаклланиши ва ривожланиши.

Тижорат банклари кредит портфелида узоқ муддатли кредитлар салмоғини янада ошириш чора-тадбирлари.

Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини кредитлашни кучайтириш йўллари.

Банкларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Иқтисодиётда бозор муносабатларининг ривожланишида банклар ролининг кучайиши. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»га қонуни.

Марказий банк фаолиятининг мақсади ва функциялари. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш - Марказий банкнинг бош мақсади. Иқтисодиётни пул-кредит тизими орқали тартибга солишда Марказий банкларнинг роли.

Тижорат банклари функциялари ва турлари. Молиявий воситачилик - банкларнинг асосий фаолияти. Молия бозорларини тартибга солиш ва эркинлаштириш шароитида банклар. Банклар - Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш локомотивидир. Банкларни таркибий ташкил этиш ва бошқариш. Банк акциядорлик корхонаси сифатида. Тижорат банкларининг Марказий банк билан ўзаро муносабатлари. Марказий банк банкларнинг банки сифатида. Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати ва уни амалга ошириш механизми.

Тижорат банклари ресурсларининг депозитли манбалари. Тижорат банклари ресурсларининг депозитсиз манбалари. Тижорат банкларининг умумий капитали ва унинг функциялари. Умумий капиталнинг таркиби. Асосий капитал ва унинг таркиби. Қўшимча капитал ва унинг таркиби. Капитални етарли даражасини тавсифловчи молиявий коэффицентлар.

Аҳолининг пул маблағларини банкларга жалб этиш жараёнига таъсир этувчи омиллар.

Депозитларга тўланадиган фоизлар ва уларга таъсир қилувчи омиллар.

Банк хизматларининг янги турларини жорий этиш йўллари. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги бўш пул маблағларини депозитларга жалб этишни кўпайтириш бўйича белгиланган вазифалар.

Пул айланмаси тушунчаси. Нақд пуллик ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг асосий шакллари.

- тўлов топшириқномаси билан ҳисоб-китоблар;
- тўлов талабномаси билан ҳисоб-китоблар;
- аккредитивлар билан ҳисоб-китоблар;
- инкассо бўйича ҳисоб-китоблар;
- чеклар билан ҳисоб-китоблар.

Тўлов оборотининг янги воситалари: пластик карточкалар, вексель.

Факторинг ва унинг Ўзбекистонда фойдаланиш амалиёти.

Тўловсизлик муаммосининг сабаблари, оқибатлари ва уни ҳал қилиш йўллари.

Хўжалик субъектларини кредитлаш – банкларнинг асосий вазифаси. Банк активлари таркибида кредитлар. Банк кредитлашининг тамойиллари. Тижорат банкларининг кредит сиёсати. Кредитлаш объектлари ва субъектлари. Қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги в

Тижорат банкларининг кредит портфели ва уни баҳолаш.

Кредитнинг қайтарилиши ва уни таъминлаш йўллари. Гаров ва гаров механизмлари. Кафолат. Кредитлашда рисклар. Фоизли риск ва унинг келиб чиқиш сабаблари. Суғурта rischi. Рискларни баҳолаш ва уларни пасайтириш йўллари. ва улар сифатининг таснифи.

Кредит портфелини диверсификациялашнинг мақсади. Кредит портфелини диверсификациялашнинг асосий йўналишлари.

Хўжалик юритувчи субъектларни қисқа муддатли кредитлашнинг замонавий усуллари. Кредит линияларини очиб ва алоҳида ссуда счётидан кредитлашнинг тавсифлари. Контокоррент шаклида кредитлаш. Овердрафт бўйича кредитлаш. Овернайт. Ломбард кредити. Синдициялашган кредитлар. Ипотека ва ипотекали кредитлаш. Истеъмол кредити ва уни ривожлантириш истиқболлари. Микрокредитлаш ва унинг хусусиятлари. Қишлоқ хўжалик субъектларини кредитлаш ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Муаммоли кредитлар: келиб чиқиш сабаблари ва уларни бошқариш усуллари. Кредит қайтарилмаган ҳолатларда захираларни ташкил қилиш тартиби.

Узоқ муддатли кредитлашда инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш.

Кредит шартномасининг мазмуни, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Иқтисодиётнинг реал сектори ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида Республикамиз банклари томонидан берилаётган кредитлари ҳажмини янада ошириш йўллари.

Тижорат банклари инвестицион фаолиятининг тавсифи. Тўғри ва портфелли инвестициялар. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш. Инвестицион

лойиҳалар самарадорлигини иқтисодий баҳолаш. Соф дисконтли даромад. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари. Инвестицион лойиҳаларга банк кредитлари. Синдициялашган кредитлар - инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда рискларни камайтириш ва маблағлар жалб этиш усули сифатида.

Банкларнинг портфелли инвестициялари: мақсади ва вазифалари. Қимматли қоғозлар бозорида банк операциялари. Банкларнинг траст операциялари. Ўзбекистонда банкларнинг инвестицион операцияларини ривожлантириш истиқболлари.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш жараёнида банкларнинг фаоллигини ошириш йўналишлари. Тижорат банкларини йирик инвестиция институтларига айлантиришнинг долзарб масалалари.

Инвестицияларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти. Инвестицион лойиҳалар: моҳияти ва мазмуни.

Ўзбекистон Республикасида Давлатнинг инвестицион сиёсат дастури. Инвестицион бизнес-режалаштириш. Инвестицион лойиҳалар экспертизаси ва комплекс таҳлили. Инвестицион лойиҳалар рискларини камайтиришда комплекс экспертизанинг роли. Инвестицион лойиҳалар самарадорлигининг таҳлили (молиявий, иқтисодий, ижтимоий).

Лойиҳавий молиялаштиришни ташкил этиш. Лойиҳавий молиялаштиришда мониторинг. Алоҳида мураккаб инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш хусусиятлари. Лойиҳавий молиялаштиришнинг камчиликлари ва афзалликлари.

Пул-кредит сиёсати – макроиқтисодий тартибга солиш воситаси сифатида. Пул-кредит орқали тартибга солишнинг Кейнсча ва монетаристик концепциялари. Макроиқтисодий тартибга солиш тизимида монетар ва фискал-бюджет сиёсати.

Пул-кредит орқали тартибга солишда Марказий банкнинг роли. Пул-кредит орқали тартибга солиш инструментлари.

Қайта молиялаш сиёсати. Қайта молиялаш ставкаси ва унинг депозит ва кредит ставкаларини шаклланишидаги роли.

Мажбурий захира сиёсати ва унинг тижорат банклари кредит салоҳиятига таъсири.

Очиқ бозор сиёсати ва унинг муомаладаги пул массасининг динамикасига таъсири.

Пул-кредит орқали тартибга солиш тизимида валюта сиёсати ва валюта орқали тартибга солиш.

Пул массаси устидан назорат. Монетар индикаторлар ва уларнинг тавсифи. Пул массасини пул бозори орқали бошқариш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари.

Ички талабни молиявий рағбатлантириш, банкларнинг капиталлашиш даражасини янада ошириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш бўйича белгиланган вазифалар.

Банк фаолиятини ташкил этиш ва банкларни бошқариш тузилмаси.

Банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат. Тижорат банклари ресурсларини бошқариш.

Ликвидликни таъминлаш - банк ресурсларини бошқаришнинг асосий мақсади.

Банк активларини бошқариш. Активларни бошқаришнинг мақсади ва вазифалари. Тижорат банклари активларини бошқариш усуллари. Банк рисклари ва уларнинг турлари. Рискларни баҳолаш ва бошқариш усуллари. Активларни диверсификациялаш - банк рискларини камайтириш ва даромадлиликни таъминлашнинг асосий шарти сифатида.

Тижорат банки фойдаси ва рентабеллиги. Фойдани кўпайтириш йўллари. Банк фойдасини тақсимлаш. Банкнинг фоиз сиёсати. Тижорат банклари фаолиятининг молиявий кўрсаткичлари.

Тижорат банклари фаолиятида корпоратив бошқарувни такомиллаштиришнинг ўрни.

Тижорат банклари фаолиятини баҳолаш мезонларини ўзгартириш. Узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушини ички манбаларни жалб этиш орқали ошириш йўллари.

Банк ишида маркетингнинг моҳияти ва хусусиятлари. Банкларнинг мақсадли бозорлари – мижозлар бозори ҳамда банк маҳсулотлари ва хизматлари бозори. Банкдаги режалаштириш тизими. Банк фаолиятининг жорий ва стратегик режаси. Стратегик режанинг мазмуни. Стратегик режалаштиришга бўлган турлича ёндашишлар. Режалаштириш босқичлари. Маркетингни режалаштириш. Режалаштириш тизимига бўлган талаблар.

Маркетингни режалаштириш. Маҳсулот стратегияси. Нарх стратегияси. Мижозларга банк маҳсулотлари ва хизматларини етказиб бериш тизими соҳасидаги стратегия. Коммуникация стратегияси. Маркетингда риск стратегияси. Риск стратегиясини ишлаб чиқиш.

Банкдаги маркетинг бўйича назорат тизими. Назорат жараёни босқичлари. Маркетинг бўйича назорат турлари. Самарали назоратнинг асосий қирралари.

Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш жараёни мониторинги. Зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштиришда банк маркетингининг ролини ошириш бўйича белгиланган вазифалар.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ВА ФОНД БОЗОРИ

Қимматли қоғозлар замонавий иқтисодиётнинг асосий иқтисодий категорияси сифатида.

Қимматли қоғозларнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси. Қимматли қоғозларнинг турларини туркумланиши. Бозор иқтисодиётида қимматли қоғозларнинг функциялари.

Катта спекулятив ўйинлар ва янги молиявий “кўпиклар” нинг юзага келиши сабаблари ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари.

Акцияларнинг қўлланилиши ва мазмуни. Ўзбекистон Республикаси эмитентлари томонидан чиқариладиган турли хилдаги акцияларнинг классификацияси ва таркиби.

Облигацияларнинг мазмуни ва қўлланилиши. Турли хилдаги акцияларнинг классификацияси. Облигациялар даромадлигини баҳолаш услуги. Тижорат банклари томонидан чиқариладиган жамғарма сертификатларнинг мазмуни ва қўлланилиши. Ўзбекистон Республикасида банк сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш хусусиятлари.

Векселларнинг мазмуни ва қўлланилиши.

Банкларнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш орқали улар томонидан берилаётган узоқ муддатли кредитларнинг ҳажмини ошириш.

Ҳосилавий қимматли қоғозларнинг қўлланилиши ва функциялари. Опционларнинг фундаментам хусусиятлари ва уларнинг классификацияси. Варрантларнинг мазмуни ва қўлланилиши. Опцион шартнома ва варрант ўртасидаги фарқ.

Фьючерсларнинг фундаментал хусусиятлари. Ўзбекистон Республикасида ҳосилавий қимматли қоғозлар бозорининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари.

Давлат қимматли қоғозларининг функциялари ва қўлланилиши. Давлат қимматли қоғозларининг турлари.

Ўзбекистон Республикасида давлат қисқа муддатли облигацияларининг қўлланилиши, мазмуни ва чиқарилиш тартиби. Ўзбекистон Республикасида давлат қисқа муддатли облигациялари бозорининг иштирокчилари. Давлат қисқа муддатли облигацияларининг шартлари ва чиқарилиш тартиби. Давлат қисқа муддатли облигациялари билан амалга ошириладиган операцияларнинг турлари.

Ўзбекистон Республикасида бошқа давлат қимматли қоғозларини чиқариш ва айланиш кўламини кенгайтириш муаммолари.

Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари тушунчаси. Мамлакат фонд бозорининг асосий иштирокчилари тузилмаси, классификацияси ва функциялари.

Эмитентлар фаолияти мазмуни ва функциялари. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида эмитентларнинг категориялари ва улар фаолиятининг хусусиятлари.

Инвестор фаолияти мазмуни ва функциялари. Инвесторларнинг категориялари ва уларнинг фонд бозорида фаолиятининг хусусиятлари.

Эмитент ва инвесторларнинг, Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорини асосий иштирокчилари сифатида ўзаро муносабатлари ва механизми.

Стратегик тармоқлар ва йирик корхоналарнинг узоқ муддатга мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини шакллантириш, янги инвесторларни жалб этиш.

Инвестицион институтни қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси сифатида моҳияти.

Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритувчи инвестицион институтларнинг асосий турларини классификацияси.

Қимматли қоғозлар бозорида молиявий воситачилар фаолиятининг мазмуни, вазифа ва функциялари. Инвестицион воситачилар (брокер, дистрибьютер ва бошқалар)нинг туркумланиши.

Инвестицион диллернинг турли қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятининг хусусиятлари, мазмуни ва функциялари. Инвестицион компания тузилмаси, таркиби ва фаолиятининг тамойиллари.

Қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритувчи инвестицион маслаҳатчилар фаолиятининг моҳияти, функциялари ва хусусиятлари. Инвестицион маслаҳатчиларнинг турлари ва фаолият соҳаси.

Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозори ташкил топишининг объектив ва субъектив асослари. Қимматли қоғозлар бозорини пайдо бўлиш тарихи ва ташкил этилишининг бошқичлари. Ўзбекистон фонд бозорини ташкил этилиш моделининг узвий қонуниятларн ва ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон Республикасида фонд бозорини ташкил этишнинг иқтисодий ва молиявий муҳити. Қимматли қоғозлар бозорини шаклланиш жараёнининг ҳуқуқий таъминланиши.

Ўзбекистон Республикаси фонд бозорининг умумий тузилмаси ва амал қилиш механизми.

Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорининг шаклланишидаги муаммолар.

Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмаси тушунчаси. Фонд бозори инфратузилмасининг мақсади ва фаолияти. Ўзбекистон фонд бозори институционал ривожланишида инфратузилманинг ўрни ва функцияси.

Миллий қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасининг элементларини классификацияси. Қимматли қоғозлар бозорининг махсус инфратузилмаси. Фонд бозорининг ахборот инфратузилмаси. Қимматли қоғозлар бозорининг техник инфратузилмаси. Қимматли қоғозлар бозорининг бошқарув инфратузилмаси.

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг ўз - ўзини бошқариш ташкилотлари ва уларнинг фаолият механизми.

Инвестицион фондлар (ИФ) таркиби, функциялари ва фаолиятидаги чекловлар. Ўзбекистон Республикасида хусусийлаштириш инвестиция фондлари (ХИФ) функциялари, мазмуни ва фаолияти хусусиятлари. ИФ ва ХИФ лар ўртасида принципиал фарқлар. Бошқарувга компания тушунчаси, функциялари ва фаолияти мазмуни.

Қимматли қоғозлар бозорида депозитар институтлар фаолиятини ташкил этиш хусусиятлари ва қонуниятлари. «Вақт» миллий депозитарийсининг амал қилиш механизми ва бошқарув тузилмаси.

Фонд бозорида қимматли қоғозлар реестри фаолиятининг мазмуни. Қимматли қоғозлар реестри ва номинал ушловчилари ўртасидаги фарқ.

Бирламчи бозор тушунчаси. Қимматли қоғозларни чиқариш ва бирламчи бозорда жойлаштириш билан боғлиқ жисмоний ва юридик шахслар ўртасида муносабатлар тизими.

Ўзбекистон Республикасида бирламчи қимматли қоғозлар бозорини ташкил этишнинг принциплари ва ишлаш механизми. Ўзбекистон Республикасида акционер жамиятларини ташкил этиш ва рўйхатга олиш тартиби. Эмиссия жараёнини ишлаб чиқиш ва рўйхатга олиш тартиби. Андерайтингнинг турли шакллари мазмуни ва классификацияси.

Ўзбекистон бирламчи қимматли қоғозлар бозорининг ҳозирги ҳолати таҳлили, муаммолари, ривожланиш тенденцияси. Миллий бирламчи қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштиришнинг йўналишлари.

Бирламчи қимматли қоғозлар бозорининг корхоналар фаолиятини молиялаштиришдаги ролини ошириш йўллари.

Иккиламчи бозор тушунчаси ва қўлами.

Ўзбекистон Республикасида иккиламчи бозорни ташкил этишнинг объектив ва субъектив асослари. Иккиламчи бозорни ташкил этиш тарихи. Иккиламчи қимматли қоғозлар бозори субъектларини тавсифи.

Ўзбекистон Республикасида иккиламчи бозорни ташкил этишнинг қонуниятлари. Иккиламчи бозорни ишлаш механизми. Ўзбекистон Республикасида иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг ҳозирги ҳолати тавсифи ва ривожланиш тенденцияси.

Хорижий инвестицияларни жалб қилишда иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг ролини ошириш бўйича белгиланган вазифалар.

Ўзбекистонда биржавий қимматли қоғозлар бозорининг пайдо бўлиш тарихи ва шаклланишининг босқичлари. Қимматли қоғозлар миллий бозори ривожланишида "Тошкент" Республика фонд биржасининг ўрни ва роли. "Тошкент" РФБ асосий функцияси ва мавқеи. "Тошкент" РФБ ни ташкил этиш ва фаолиятининг қонуниятлари. "Тошкент" РФБ таъсисчилари таркиби ва бошқарув тузилмаси.

"Тошкент" РФБ ишлаш механизми. Биржага қимматли қоғозларни чиқариш шартлари. Қимматли қоғозлар экспертизасини амалга ошириш тартиби. Листинг ва делистинг тушунчаси. Қимматли қоғозлар қотировкаси тушунчаси. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишида "Тошкент" РФБ нинг ўрни.

Биржадан ташқари бозорнинг қимматли қоғозлар савдосини марказлашмаган шаклда ташкил этиш сифатида тушуниш. Биржадан ташқари иккиламчи савдонинг чет эл тажрибаси ва қимматли қоғозлар бозорини ташкил этишга таъсири.

Ўзбекистон Республикасида биржадан ташқари савдони ташкил этиш хусусиятлари. Ўзбекистон фонд бозорида биржадан ташқари савдо механизми. Мамлакат биржадан ташқари фонд бозори тизимида фонд магазинлари роли ва ўрни. Фонд магазинларининг ишлаш механизми.

Қимматли қоғозларнинг спекулятив амалиётини ривожланишига йўл қўймасликнинг зарурлиги ва чоралари.

Фонд бозорида қимматли қоғозлар билан операциялар тушунчаси, моҳияти ва хусусиятлари. Қимматли қоғозлар билан операция турларининг классификацияси.

Қимматли қоғозлар билан боғлиқ эмиссион операциялар кўлами ва моҳияти. Акциянинг турли категорияларини чиқариш механизми ва тартиби. Эмиссия лойиҳасининг кўлами ва тузилмаси. Қимматли қоғозлар эмиссияси натижасини рўйхатга олиш.

Облигацияларни чиқариш кўлами, тартиби ва технологияси. Облигациянинг турли хил категорияларини чиқариш хусусиятлари. Облигацияларнинг иқтисодий самарадорлиги, уларни чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ рискларни баҳолаш.

Векселларни чиқариш кўлами, функцияси ва тартиби. Векселларнинг турли хилдаги муомаласи, тўлаш механизми ва хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикасида депозит ва жамғарма сертификатларини чиқариш, тўлаш тартиби, кўлами ва функциялари.

Ҳосилавий қимматли қоғозлар: опцион, фьючерс, варрант ва бошқа фонд инструментларини чиқариш ва муомалада бўлиш хусусиятлари.

Қимматли қоғозлар билан турли хилдаги битимлар тавсифи ва нисбий таҳлили: олиш ва сотиш, ҳуқуқларини ўтказиш, ворис этиш, ҳадя этиш, ҳисоби, ҳисобга олиш ва бошқалар.

Қимматли қоғозлар билан турли хил битимлар классификацияси. Фонд инструментлари билан тасдиқланган ва тасдиқланмаган битимлар. Қимматли қоғозлар билан тўғри ва воситачилик битимлари. Қимматли қоғозлар билан улгуржи ва чакана битимлар. Қимматли қоғозлар билан биржа ва биржадан ташқари битимлар.

Қимматли қоғозлар билан касса операцияларини жорий этиш механизми, кўлами ва мазмуни. Муддатли битимларни жорий этиш кўлами, мазмуни ва механизми.

Клирингни, қимматли қоғозлар билан ҳисоб операциялар мажмуи сифатида тушуниш. Қимматли қоғозлар бозорида клиринг ва ҳисобнинг асосий функциялари.

Клиринг ва ҳисоб турларини қимматли қоғоз тури, битимнинг марказлашганлик даражаси, хизмат кўрсатиш кўлами ва бошқалардан келиб чиққан ҳолда классификациялаш.

Қимматли қоғозлар билан битимлар бўйича клиринг ва ҳисобларни узвий қонуниятларда ташкил этиш. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида клиринг - ҳисоб фаолиятининг мазмуни ва хусусиятлари.

Қимматли қоғозлар билан битимларда рискларнинг табиати ва классификацияси. Қимматли қоғозлар билан битимларни тадбиқ этиш билан боғлиқ рискларни хеджлаш.

Бозор конъюнктураси ва эмитентнинг молиявий - иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб, фонд инструментлари инвестицион жозибадорлигини баҳолаш моҳияти ва кўлами.

Қимматли қоғозлар бозорида рисклар классификацияси. Қимматли қоғозларни чиқариш, уларнинг муомаласи ва тўлаш билан боғлиқ рискларни хеджлаш.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қимматли қоғозлар портфели тушунчаси ва уни шакллантириш қонуниятлари, Қимматли қоғозлар портфелининг классификацияси. Портфелли инвестицияларни бошқариш технологияси.

Қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш бўйича белгиланган вазифалар.

Қимматли қоғозлар бозорида банкларнинг операцион фаолияти тушунчаси ва кўлами. Банкларнинг фонд инструментлари билан операцияларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатлари.

Қимматли қоғозлар бозорида банк операциялари классификацияси. Банкларнинг фонд инструментлари билан хусусий ва мижозли операциялари. Тижорат банкларининг эмиссион операциялари кўлами, мазмуни ва механизми. Банкларнинг қимматли қоғозлар билан инвестицион операциялари. Банкларнинг қимматли қоғозлар билан дилер ва брокерлик операцияларининг принципиал фарқи.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан комисион операциялар кўлами, мазмуни ва тадбиқ этиш механизми. Банкларнинг қимматли қоғозлар билан андеррайтинг, трансфертагент, консалтинг, траст, гаров, кафолат, депозитар, инкассо, ҳисоб - клиринг операцияларининг принципиал фарқи.

Миллий қимматли қоғозлар бозорида Марказий банк функцияси ва операциялари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг очик бозордаги операцияларини тадбиқ этиш механизми ва уларни мамлакатда пул - кредит сиёсатини олиб бориш самарадорлигига таъсири.

Банкларнинг ресурс базасини фонд бозори орқали мустаҳкамлаш, инвестицион жараёнлардаги иштирокини кучайтириш.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солишда давлатнинг ўрни. Давлатнинг мафкуравий ва қонунчилик функциялари. Қимматли қоғозлар бозорининг молиявий барқарорлиги ва хавфсизлигини назорати. Фонд бозори «ойдинлиги»ни таъминлаш. Инвсторларни йўқотишлардан ҳимоя қилиш тизимини шакллантириш.

Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солиш қонуниятлари. Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи давлат органлари тузилмаси.

Қимматли қоғозлар миллий бозорини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг ўрни. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази: унинг вазифаси, тузилмаси ва ишлаш механизми. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорини тартибга солишда Молия вазирлигининг ўрни. Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорида Марказий банкнинг мавқеи ва функциялари.

Фонд бозорининг ўзини-ўзи бошқаришининг моҳияти ва вазифалари. Фонд бозори профессионал иштирокчиларининг ўзини бошқариш ташкилотлари тузилмаси, функциялари ва механизми. Ўз-ўзини бошқариш ташкилотларининг ишлаш қонуниятлари. Ўзбекистон Республикасида ўзини-ўзи бошқариш ташкилотларини шакллантириш йўлидаги муаммолар.

Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги мавжуд муаммолар.

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ

Валюта муносабатлари ва валюта тизимининг асосий хусусиятлари. Валюта тизими тушунчаси ва кўринишлари. Валюта тизимининг элементлари. Жаҳон валюта тизимининг эволюцияси. Олтиннинг функцияси ва ролини ўзгариши.

Ташқи савдо айланмаси таркибини диверсификация қилиш бўйича белгиланган вазифалар.

Валюта бозорлари: тушунчаси, функциялари ва иштирокчилари. Валюта бозорида банкларнинг роли. Валюта бозорларининг турлари. Валюта бозорларининг қатнашчилари. Бозорларнинг вақт бўйича чегаралари. Валюталаштиришнинг бошланиши ва тугаш вақти. Операцияларнинг тезлиги. Пул бозорлари. Евровалюталар бозорининг вужудга келиши ва ривожланишининг замонавий тенденциялари.

Валюта курсига таъсир этувчи ва аниқловчи омиллар. Миллий валютани конвертациялаш усуллари. Валюта муносабатларини бошқариш. Валюта сиёсати: мақсади ва шакллари. Чет эл валютаси котировкаси. Котировка услублари: тўғри ва тескари.

Инфляциянинг чуқурлашуви, муомалада таъминланмаган пулларнинг кўпайишига йўл қўймаслик чора-тадбирлари.

Халқаро валюта бозорларидаги операцияларнинг назарий асослари. Валюта операцияларининг классификацияси. Нақд битимлар. Чет эл валютаси иштирокидаги муддатли битимлар. Форвард операцияларининг умумий тавсифи. Форвард операциялари учун белгиланган вақт. Форвард келишувларидан фойдаланиш. Форвард курсларини ҳисоблаш йўллари. Спотгача бўлган валюталаштириш кун келишувлари учун аутрайт курслари. Синиқ кунлар учун форвард курси. Форвард кросс-курслари. Форвард-форвард операциялари. Валюта своплари. Своп котировкалари. Своп келишувларидан фойдаланиш.

Конверсион операцияларининг тавсифномаси. Спот кўринишидаги операциялар. Валюта курси ва котировкалари. Bit ва Offer томонлари ҳамда валюта курслари котировкасидаги маржанинг ўлчами. Очиқ валюта позицияларининг кўриниши. Маржалар ва арбитражнинг конверсион операциялари. Кросс-курсларнинг механизми.

Фьючерс операцияларининг умумий тавсифи. Валюта фьючерсларининг ўзига хос хусусиятлари. Валюта фьючерслари билан операцияларни амалга ошириш механизми. Валюта фьючерсини Ўзбекистонда қўллаш муаммолари.

Пул бозоридаги депозит операцияларининг мазмуни. Фоиз ставкалари ва оддий фоиз формуласи. Фоиз ставкалари котировкаларида Bit ва Offer томонлари ва маржа. Депозит позициялари ва фоиз арбитражи. Банклараро ва миқозлар депозитлари.

Валюта бозорларида спекулятив амалиётларни ривожланишига йўл қўймаслик.

Валютани тартибга солиш ва валюта назорати. Валюта сиёсати ва уни амалга оширишда қўлланиладиган инструментлар. Валюта курсини барқарорлаштириш сиёсати. Девальвация ва ревальвацияларнинг ташқи савдога тўғри ва тескари таъсири. Ривожланаётган мамлакатлар валюта сиёсатининг умумий хусусиятлари. ХВФ валюта сиёсатига нисбатан талаблари.

Мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодий таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштиришда валюта сиёсатининг ўрни.

Валюта инқирози тушунчаси. Валюта инқирози - иқтисодий инқироз шакли сифатида. Бреттонвудс валюта тизими инқирози: моҳияти, сабаблари, намоён бўлиш шакллари, ривожланиш босқичлари. Европа Иқтисодий Ҳамжамиятида валюта интеграцияси муаммолари. Валюта чекловлари: сабаблари, моҳияти, шакллари. Валюта чекловларининг асосий хусусиятлари. Валюта чекловлари тараққиёти ва унинг оқибатлари. Халқаро Валюта Фонди орқали давлатлараро валюта чекловларининг бошқарилиши.

Молия бозорларида катта спекулятив операцияларнинг ривожланишига йўл қўймаслик, муомалада реал қийматга эга бўлмаган пулларнинг пайдо бўлишини олдини олиш.

Чет эл валютаси иштирокидаги муддатли битимларнинг мақсади. Валюта курсининг кўтарилиши ва пасайишига таъсир этувчи омиллар. Муддатли валюта битимларидан фойдаланиш - валюта инқирозларидан ҳимоя қилиш усули сифатида. Валютавий фьючерс операциялари па уларнинг форвард операцияларидан фарқи. Опцион келишувлар. Валюта арбитражи. Валюта операциялари назорати ва уларни бошқариш.

Тўлов баланси тушунчаси, асоси ва унинг таркиби. Тўлов балансини давлатлараро бошқариш муаммолари. Тўлов балансини бошқариш моделлари ва концепцияларининг таҳлили. Халқаро ҳисоб-китоблар тушунчаси ва шартлари. Халқаро ҳисоб-китоблар формалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Мамлакат экспортининг диверсификациялашув даражасини ошириш. Жаҳон бозорида хом-ашёни экспорт қилиш амалиётидан рақобатбардош тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш амалиётига ўтиш.

Халқаро кредит иқтисодий категория сифатида. Ташқи савдода кредитнинг аҳамияти. Жаҳон бозорларидаги рақобат ва унда халқаро кредитнинг роли. Халқаро кредитнинг шартлари ва шакллари. Халқаро кредитнинг давлат томонидан бошқарилиши. Молия бозорларининг глобаллашуви, бу жараённинг салбий ва ижобий жиҳатлари.

Халқаро молия-кредит ташкилотлари – Умумжаҳон банки гуруҳи, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки кредитларидан фойдаланишни фаоллаштириш.

Халқаро молия институтларининг ўмумий тавсифи. Халқаро Валюта Фонди. Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки. Жаҳон банкининг кредит сиёсати, унинг актив операцияларининг тавсифи. Европа ҳамжамиятининг халқаро молия институтлари.

Халқаро молия институтлари томонидан маблағлари ҳисобидан йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш, улар билан ҳамкорликда юксак технологияларга асосланган замонавий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш.

СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

Солиқ тушунчаси. Солиқлар ва солиққа тортишнинг шарт-шароити. Солиққа тортишнинг ўмумий ва хусусий принциплари. Эркинлик, солиққа тортиладиган объект, солиқ қонунчилиги.

Солиқларнинг белгилари. Мажбурий тўловлар. Солиқлар, йиғимлар ва солиқ характериға эға бўлмаган тўловлар. Давлат бюджети даромадларининг таркиби.

Солиқларнинг зарурлиги. Давлатнинг ўз функцияларини бажариши учун молия ресурслари билан таъминлашнинг зарурлиги. Ижтимоий эҳтиёжлар ва «ижтимоий товарлар». Ялпи ички маҳсулотни тақсимлашда солиқларнинг роли.

Солиқларнинг функциялари. Солиқларнинг фискал ва назорат функциялари. Солиқларнинг рағбатлантирувчи, иқтисодий тартибга солиш, қайта тақсимлаш функциялари хусусидаги иқтисодий қарашлар.

Солиққа тортиш тамойиллари. Кенг қамровлилик, адолатлик, тенглик тамойиллари. Горизонтал ва вертикал адолат. Самарадорлик тамойили.

Солиқларни туркумлаш. Солиқларнинг айрим турлари тўғрисидаги назариялар ва унинг йўналишлари. Ягона солиқ назарияси. Эгри ва тўғри солиқларнинг ўзаро нисбати назарияси. Оптимал солиқ ставкаси бўйича ғоялар. Солиқларнинг даромадларни тақсимлашга таъсири. Лоренц эгри чизиғи.

Солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари.

Солиқ назарияси иқтисодий назария фанининг таркибий қисми эканлиги. Солиқ муносабатлари ва уларнинг субъектлари. Солиқ юки ва фаровонликни адолатли тақсимлаш, солиқ ундириш хусусидаги мунозараларнинг муқаррарлиги. Солиқларнинг иқтисодийдаги роли тўғрисида мунозаралар.

Солиқ муносабатларига хос бўлган иқтисодий қонунлар ва уларни илмий билиш усуллари. Индукция ва дедукция, абстракция, тарихийлик ва мантиқийлик, макро ва микроиқтисодий таҳлил, математик, график ва бошқалар. Солиқ назарияси ва давлатнинг солиқ сиёсати.

Солиқлар тўғрисида назарий қарашларнинг йўналишлари. Ўрта Осиёда солиқлар тўғрисидаги қарашлар. Амир Темурнинг солиққа тортиш тўғрисидаги фикрлари. Солиқ тўғрисида классик назария. А. Смит солиқ томоийиллари тўғрисида. Иш ҳақи, фойда, рента ва истеъмол молларига солиқ. Артур Лаффер эгри чизиғи.

Солиқларнинг иқтисодиётдаги роли тўғрисида Кейнсча назария. Неоклассик назариялар: монитаристик ва таклиф иқтисодиёти назариялари.

Солиқ назарияси ва давлатнинг солиқ сиёсати. Солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари тушунчаси ва тарихи. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда давлатнинг роли ва ҳозирги замон солиқ сиёсати. Солиқ механизми ва унинг таркиби. Солиқ сиёсатининг мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга мослашуви.

Солиқ элементлари. Солиқ субъекти, объекти, манбаси, ставкалари, имтиёзлари, солиққа тортиладиган ва тортилмайдиган даромадлар, солиқ юки, солиқ декларацияси.

Солиқ ставкаларининг турлари. Мутаносиб, прогрессив ва регрессив ҳамда қатъий ставкалар. Уларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти. Иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда регрессив солиқ ставкаларининг роли.

Солиқ имтиёзлари. Солиқ имтиёзларининг турлари. Умумий солиқ имтиёзлари. Солиқ имтиёзларини тадқиқ этишнинг назарий муаммолари ва амалий масалалари. Солиқлардан тўлиқ озод этиш. Вақтинча солиқлардан озод этиш. Солиққа тортиладиган базанинг камайтирилиши.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принциплари. Солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципининг ўзига хос жиҳатлари. Солиқларни ҳисоблаш ва ундириш усуллари. Солиқ декларацияси ва унинг турлари.

Уй-жой қуриш ва реконструкция қилиш бўйича янги ташкил қилинаётган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларига берилган солиқ имтиёзлари ва улардан мақсадли фойдаланиш йўналишлари.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи

Фойда солиғини тўловчилар. Солиқ объекти. Жами солиққа тортиладиган даромадлар ва уларнинг таркиби. Юридик шахслар молиявий натижаларининг шаклланиши. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи тушум. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (ёки зарар). Солиқ тўлангунга қадар фойда (ёки зарар). Фойда солиғи базасини аниқлашда чегириладиган ва чегирилмайдиган харажатлар таркиби. Солиққа тортиладиган фойдани аниқлаш тартиби.

Жами солиққа тортиладиган фойдадан чегирмалар бериш тартиби. Банк ва суғурта ташкилотлари бўйича чегирмалар. Фойда солиғидан озод этиладиган юридик шахслар ва уларнинг даромадлари.

Фойда солиғи ставкалари. Дивиденд ва фоизлар бўйича фойда солиғи ставкалари. Норезидент ва чет эл юридик шахсларининг фойдани солиққа тортиш. Солиқ ҳисоботларини тузиш ва топшириш тартиби. Фойда солиғини тўлаш муддатлари. Тугатилаётган юридик шахсларни солиққа тортиш тартиби. Солиқ тўловчи юридик шахсларнинг масъулиятлари.

Мамлакатимиздаги маҳсулот экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашда экспорт ҳажмига мувофиқ фойда солиғи ставкаларини пасайтирилиши.

Қўшилган қиймат солиғи

Қўшилган қиймат солиғининг моҳияти ва мазмуни. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш усуллари. Қўшилган қиймат солиғига тортиладиган оборотни аниқлаш.

Солиққа тортиладиган оборотни корректив қилиш. Солиқ ставкалари ва уларни қўллаш тартиби. Солиқ бўйича имтиёзлар.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича берилган баъзи имтиёзларни такомиллаштириш масалалари. Давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасини аниқлаш тартиби. Ҳисобга олинмайдиган қўшилган қиймат солиғи суммасини аниқлаш тартиби. Ҳисоб варақ – фактуралар. Ҳисоб варақ – фактуралар асосида қўшилган қиймат солиғи ҳисобини юритиш ва солиққа тортиш масалалари.

Ўзбекистон ҳудудига импорт қилинган товар (иш ва хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Солиқни тўлаш муддатлари. Қўшилган қиймат солиғининг бошқа солиқ турлари билан боғлиқлиги.

Экспортёр корхоналарни рағбатлантиришда қўшилган қиймат солиғининг ноль даражали ставкасининг қўлланиши ва харид қилинган хом ашё учун тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаларини бюджетдан қайтарилиш муддатларининг қисқартирилиши.

Ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган товарларга акциз солиғи ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Акциз солиғининг моҳияти. Солиқ тизимида акциз солиғининг тутган ўрни. Акциз тўланадиган товарлар рўйхати. Солиқ солиш объекти. Солиқ ставкаси. Акциз солиғи тўлаш тартиби. Акциз маркалари билан маркаланган товарлар бўйича акциз солиғи ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари. Импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарлар рўйхати.

Солиқ солиш объекти. Акциз солиғи бўйича имтиёзлар. Алкогол ичимликлар, тамаки маҳсулотлари ва бошқа товарларга акциз маркалари қўллашдаги муаммолар.

Акциз солиғини ҳисоблаш тартиби, тўлов ва ҳисобот муддатлари. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Акциз солиғининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ

Мол-мулк солиғи ҳақида тушунча ва унинг келиб чиқиш тарихи. Иқтисодиёт учун мол-мулк солиғининг объектив зарурати. Бюджет даромадларини шакллантиришда мол-мулк солиғининг роли ва ҳиссаси.

Юридик шахсларда мол-мулк солиғининг объектлари. Мол-мулк солиғини ҳисоблаш усуллари ва муаммолари. Кредит ташкилотларида мол-мулк солиғини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари. Юридик шахслардан олинмайдиган мол-мулк солиғи ставкалари ва имтиёзлар. Мол-мулк солиғини тўлаш муддатлари.

Юридик шахслардан олинмайдиган ер солиғи

Ер солиғининг моҳияти ва зарурлиги. Унинг солиқлар тизимидаги иқтисодий роли ва ўрни. Ерга бўлган ҳуқуқ. Ер бонитети ва кадастри. Ер солиғини ўрнатиш тамойили ва уни тўловчилар.

Юридик шахсларда ер солиғи объектини аниқлашдаги муаммолар. Ер солиғи ставкаси ва имтиёзлари. Ер солиғини ҳисоблаш тартиби. Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғи. Суғориладиган ерларни баҳолаш. Ягона ер солиғини ҳисоблаш тартиби. Солиқ идоралари назорати.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга оширишда ер солиғининг рағбатлантирувчи ролини ошириш йўналишлари.

Юридик шахслар тўлайдиган бошқа тўловлар ва йиғимлар

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўловнинг мақсади ва вазифалари. Ягона ижтимоий тўловнинг объекти, ставкаси ва тўлаш, ҳисоблаш, ундириш механизмлари. Маҳсулот ҳажмига нисбатан пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар. Мажбурий ажратма объекти, ставкаси ва ҳисобот топшириш тартиби. Юридик шахслар томонидан товарлар импорт қилинаётганда тўланадиган божхона тўловлар ставкалари ва ундириш механизми.

Республика йўл жамғармасига ажратмаларнинг мақсади ва мазмуни. Ажратма объектлари ва ставкаси. Ажратмани ҳисоблаш ва ундириш тартиблари.

Бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар учун мажбурий тўловнинг мақсади ва мазмуни. Мажбурий тўлов ундириладиган объект. Мажбурий тўлов ставкаси ва мажбурий тўловни ундириш тартиби.

Товарларнинг айрим турларини сотиш ҳуқуқи учун лицензион йиғимлар. Йиғим ставкалари. Юридик шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғимлар.

Тадбиркорларнинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатларини камайтиришда ҳужжатларни расмийлаштириш учун йиғимлар ва улар миқдорининг пасайтирилиши.

Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг моҳияти ва аҳамияти

Жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқларнинг моҳияти, уларнинг солиқлар тизимида тутган ўрни ва роли. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқларнинг иқтисодий (фискал) ва ижтимоий аҳамияти.

Солиқ тўловчи жисмоний шахслар – резидентлар ва норезидентлар. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган солиқ суммаларининг ҳисоби. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқларнинг ўсиш суръатлари ва уларни белгиловчи омиллар. Солиқ юки тушунчаси.

Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ва йиғимлар, уларни жорий этиш ва тартибга солишнинг умумий қоидалари ҳамда уларни такомиллаштириш муаммолари. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида жисмоний шахсларнинг даромадлари ва мол-мулкларини солиққа тортиш принциплари ҳамда уларни амалга ошириш.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи

Меҳнат ҳақи шаклида олинадиган даромадлар таркиби. Солиққа тортиладиган даромадни аниқлаш тартиби. Солиқ ставкалари ва шкалалари. Даромад солиғи суммасини ҳисоблаш тартиби. Асосий иш жойидан ташқарида олинадиган даромадлар ва уларни солиққа тортиш. Жисмоний шахсларга даромадлар тўланган манбадан солиқларни ушлаб қолиш ва уни Давлат бюджетига ўтказиш тартиби. Жисмоний шахсларнинг меҳнат ҳақи шаклида олинадиган даромадлари бўйича солиқ имтиёзлари. Солиқлардан озод қилинган жисмоний шахсларнинг даромадлари. Жисмоний шахсларнинг солиққа тортилмайдиган даромадлари. Хорижий жисмоний шахсларни ва норезидентларни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадларнинг таркиби. Мулкӣ даромадлар: фоизлар, дивидентлар, мулкни ижарага беришдан олган даромадлар, патент эгаси бўлган жисмоний шахс уни сотишдан олган даромади, қимматли қоғоз реализация қилишдан тушган даромад, солиқ ва мажбурий тўловлар тўлагандан кейин хусусий корхона эгаси ихтиёрида қоладиган фойда, роялти. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадини солиққа тортиш. Солиқ ставкалари ва уларни такомиллаштириш масалалари. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларда қатъий солиқ ставкалари, солиқ ставкаларини солиққа тортишнинг адолатлилиқ тамойилига мослаштириш. Солиқни тўлаш тартиби.

Йиллик даромад ҳақидаги декларацияни тақдим этувчи жисмоний шахслар тоифаси. Декларация тақдим этувчи чет эл фуқаролари. Йиллик умумий даромад таркибига киритилувчи даромадлар. Солиққа тортилувчи даромаддан чегирмалар ва жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқ имтиёзлари. Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи тўлашдан озод этиладиган жисмоний шахслар. Йиллик даромад ҳақидаги декларация бланklarининг шакли. Солиқ тўловчининг йил давомида олинадиган даромадларининг ҳисобини юритиш. Декларацияни тўлдириш тартиби. Солиқ тўловчининг мажбуриятлари.

Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкаларини камайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар асосида аҳолининг ялпи ва реал даромадлари ошиши ва унинг харид қобилиятини барқарор суръатларда ўсиши.

Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкдан ундириладиган солиқ ставкаси ва имтиёзлари. Мол-мулк солиғи тўловчи жисмоний шахсларни ҳисобга олиш тартиби ва муаммолари. Жисмоний шахслар тўлайдиган мол-мулк солиғини ундириш, ҳисоблаш ишларини ташкил этиш ва юритиш муаммоларини ҳал этиш.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи объектини аниқлаш масалалари ва қайта кўриб чиқиш тартиби. Солиқ тўловчиларнинг масъулиятлари ва уларнинг шикоятларини кўриб чиқиш тартиби. Солиқ ундириш устидан назорат.

Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи.

Ер солиғи ставкалари. Жисмоний шахслар учун ер солиғи солинадиган объектлар. Жисмоний шахслар бўйича ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. Ер солиғи бўйича имтиёзлар. Имтиёз ҳуқуқининг татбиқ этилиш ва бекор қилиниш тартиби. Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Жисмоний шахслар томонидан тўланадиган бошқа солиқлар ва йиғимлар.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни жисмоний шахслардан олинадиган солиқни тўлаш ва ҳисоблаш. Унинг афзалликлари ва камчиликлари. Илгари амалда бўлган жисмоний шахслар тўлайдиган транспорт солиғига нисбатан қулайликлари ва уни такомиллаштириш. Солиқ тўловчи субъектлар. Солиққа тортиш объекти ва солиқни тўлаш манбалари. Жисмоний шахслар тўлайдиган бюджетдан ташқари мажбурий ажратмалар, ҳисоблаш тартиби.

Савдо-сотик қилиш ҳуқуқи учун йиғим ва унинг тўловчилари. Чакана савдо шаҳобчалари. Савдо-сотик қилиш ҳуқуқи учун гувоҳнома ва унинг берилиш муддати. Йиғим ставкаси.

Жисмоний шахслар томонидан товарлар импорт қилинаётганда тўланадиган божхона тўловлар ставкалари ва ундириш механизми.

Айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар ва уларни бериш тартиби. Лицензия йиғимларнинг тўловчилари.

Биоларни ижарага бериш тарифлари тадбиркорлик субъектларининг жойлашган ўрни ва уларнинг фаолият турига қараб белгиланиши.

ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР (ЛОЙИҲАЛАР)НИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

Инвестицияларни мазмуни, иқтисодий моҳияти ва аҳамияти. Инвестицияларни таснифи ва шакллари. Инвестиция фаолияти субъектлари ва объектлари. Инвесторлар ва уларни мақсадлари. Яқка тартибдаги инвесторлар, институционал ва профессионал инвесторлар. Инвесторларнинг чекловлари. Инвестицияларни мақсадлари, амалиётда уларни уйғунлашуви. Инвестиция портфели. Инвестицияларни бошқариш.

Инвестицион маблағларни шакллантириш тамойиллари ва уларни амал қилиш тизими. Турли хил инвестицион маблағларни фундаментал хусусиятларининг қиёсий таҳлили. Реал ва молиявий активлар, уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Молиявий активлар (аниқ даромадли қимматли қоғозлар, ҳосилавий қимматли қоғозлар - деривативлар).

Инвестицион ҳуқуқ тушунчаси ва инвестиция қонунчилиги. Инвестицион фаолият ҳуқуқий асосларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Инвестицион фаолиятни ривожланишида давлатнинг роли. Инвестицион фаолиятни тартибга солиш объектлари ва қонунчилик. Инвестицион фаолиятни тартибга солиш субъектлари. Инвестицион фаолият соҳасидаги қонунчиликни шакллантиришнинг асосий тамойиллари. Инвестицион фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги

муносабатлар ва уларнинг хусусиятлари. Ўзбекистон Республикасининг инвестицион фаолият соҳасидаги қонунчилигининг таркибий тузилиши. ЎзР Конституцияси, ЎзР Фуқаролик кодекси ва инвестицион фаолият соҳасидаги бошқа қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича белгиланган вазифалар.

Инвестиция муҳити маъноси. Инвестиция муҳитини тавсифловчи кўрсаткичлар. Инвестиция муҳитини баҳолаш параметрлари. Инвестиция муҳити Жаҳон банки нигоҳида. Инвестиция муҳитини аниқловчи омиллар. Инвестиция муҳити кўрсаткичлари. Жаҳон банки томонидан инвестиция муҳитини баҳолаш. МДҲ давлатлари инвестиция муҳитини Жаҳон банки томонидан таҳлили.

Республикада инвестицион муҳитни янада яхшилаш, солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш.

Инвестиция сиёсатининг назарий жиҳатлари. Чет эл инвестицияларини мамлакат иқтисодиётига таъсири. Инвестиция ва ташқи савдо сиёсатини ўзаро боғлиқлиги (импорт ўрнини босувчи ва экспортни рағбатлантирувчи). Асосий воситалар ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланишидан келиб чиқиб инвестиция сиёсатини тавсифланиши. Капитал оқимларини кириб келиши ва чиқиб кетиши устидан давлат назоратини самарадорлиги. Асосий инвестицион режимлар. Чет эл инвесторларига давлат қароғатлари. Давлатнинг тартибга солиш воситалари. Чет эл капитали кириб келишини рағбатлантирувчи йўналишлар. Хорижий ва миллий инвесторларга бериладиган солиқли, молиявий ва бошқа имтиёзлар.

Хўжалик субъектларининг актив ва пассив инвестиция сиёсатлари. Инвестицияларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш бўйича келишувлар ва шартномалар. Худудий инвестиция шартномалари. Чет эл инвестицияларини худудий даражада тартибга солиш. Эркин савдо зоналарини барпо этиш. Ўзаро капиталларни тўлиқ ва қисман эркинлаштириш. ХВФ ва Жаҳон банки инвестицияларни тартибга солиш тизимида Жаҳон савдо ташкилоти доирасидаги халқаро инвестиция шартномаси.

Йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва коммуникация объектларини, қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиоратив қурилишни ривожлантириш ҳамда ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш, фаол инвестиция сиёсати ва уни амалга ошириш бўйича белгиланган вазифалар.

Халқаро инвестицияларнинг объекти, вазифалари ва функциялари. Халқаро инвестицияларнинг турлари ва асосий воситалари. Вальрас модели. Халқаро капитал ҳаракати шакллари. Халқаро инвестиция оқимлари ва бозорлари. Халқаро инвестиция бозори ва унинг сегментлари. Халқаро инвестициялаш қоидалари. Молия бозори конъюнктураси тушунчаси, таркиби, уни тадқиқ этиш тамойиллари. Халқаро инвестиция бозорининг турли институтлари таснифи, тамойиллари, вазифалари ва фаолият юритиш механизмлари. Халқаро корпорация шакллари. Халқаро молия институтлари.

Тараққий этган мамлакатлардан инвестициялар жалб қилиш кўламини кенгайтириш.

Молия бозорида маҳаллий ва хорижий инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳисмоя қилиш, рағбатлантириш борасидаги давлат сиёсати ва Қонунчилик базаси (жумладан, қимматли қоғозлар бозорида). Бевосита халқаро инвестицияларни турлари ва уларнинг амал қилиш тамойиллари (Лицензион келишувлар, франчайзинг, лизинг, толлинг). Бевосита инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини ва ҳажмини баҳолаш. Хусусийлаштириш объектларига инвестицияларни жалб қилиш ва қўшма корхоналар ташкил этиш. Ўзбекистоннинг базавий саноат тармоқлари корхоналарини индивидуал хусусийлаштириш воситасида стратегик хорижий инвесторларни жалб қилиш муаммолари. Хорижий инвесторларга сотиладиган объектларни танлаш тамойиллари. Бевосита инвестицияларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши. Ўзбекистон корхоналари бошқарув тизимида корпоратив бошқарув тамойилларини жорий қилиш.

Халқаро молия институтлари, инвестицияларини иқтисодиётнинг реал секторига жалб этиш ва улар асосида юксак технологияларга асосланган замонавий ишлаб чиқариш қувватларини шакллантириш.

Инвестицияларни молиялаштириш тартиблари ва усуллари. Капитал инвестицияларни молиялаштириш тамойиллари: мақсадга мувофиқ молиялаштириш; муддатли молиялаштириш; инвестицион қарорлар асосида молиялаштириш; танланган усуллар асосида молиялаштириш; инвестицияларни вақтли қиймати асосида молиялаштириш; лойиҳа пул оқимларидан келиб чиқиб молиялаш. Молиялаштиришни давлат ва бозор механизмлари. Инвестицияларни молиялаштиришнинг аралаш усули.

Молиялаштиришни ташкилий шакллари. Қайтариш ва қайтарилмаслик шартлари асосидаги давлат кредитлари. Давлатнинг ташқаридан жалб этиладиган маблағлари, қарзлари ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштирилиши.

Нодавлат нафақа фондлари. Суғурта ташкилотлари инвестор сифатида. Инвестиция фондлари ва компаниялари.

Қайтариш шарти билан кредитлар эвазига молиялаштириш. Инвестицион лойиҳаларнинг молиялаштиришдаги кредитларнинг таснифи. Банк кредитининг асосий шакллари. Ўзбекистонда кредит тизимини ташкил топиши ва ривожланиши. Банкларнинг инвестиция фаолияти. Капитал қўйилмаларни узок муддатли кредитлаш.

Инвестицион лойиҳаларни синдициялашган кредит ҳисобига молиялаштиришни ташкил этиш. Синдициялашган кредитлашни амалга ошириш учун банк синдикатини ташкил этиш тартиби. Кредитларни расмийлаштириш тартиби. Синдициялашган кредитлаш, унинг ҳисобини юритиш, мониторингини олиб бориш ва уни қайтариш тартиби.

Молиялаштиришни лизинг усули, халқаро лизинг. Лизингни қўллаш афзалликлари. Лизинг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбаи сифатида.

Венчур капитали. Венчур капиталининг омилли тавсифлари. Венчур капиталининг юқори рискли муҳитда ишлатилиши. Венчур капиталининг манбалари.

Тижорат банкларининг узоқ муддатли инвестицион кредитлари ҳажмини ошириш, корхоналар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш бўйича белгиланган вазифалар.

"Капитал қиймати" тушунчаси. Капиталнинг муқобил қиймати. Капитални ташкил этувчи элементлар қиймати. Инвестицион ресурсларни ўртача тортилган қиймати. Капитал қийматини ўртача тортилган нархи. Капиталнинг маржинал қийматини фирма инвестиция фойлига таъсири.

Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш тамойиллари. Лойиҳа самарадорлигини ҳисоблашни дастлабки маълумотлари. Инвестицион қарорлар самарадорлигининг мезонлари. Инвестицион лойиҳалар самарадорлигининг баҳолаш кўрсаткичлари. Лойиҳа самарадорлигини баҳолаш. Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда рисклар ва ноаниқликларни таъсири. Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашнинг дастурий таъминоти. Ташкилий-иқтисодий механизм. Вақт омили ҳисоби. Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашнинг хориж тажрибаси ва уни Ўзбекистонда қўллаш шартлари.

Инвестицион лойиҳалар самарадорлигининг статистик ва динамик турлари. Лойиҳавий таҳлилнинг воситалари. Турли кўрсаткичларни қўллаш соҳалари ва шартлари. Алоҳида мезонларнинг афзалликлари, камчиликлари ва уларни бартараф этиш имкониятлари. Даромад меъёри ва унинг таркиби. Инвестицион лойиҳаларни ижтимоий самарадорлигини баҳолаш.

Турли хил лойиҳалар тавсифи. Инвестицион лойиҳа тушунчаси, мақсади ва таркиби. Лойиҳаларни таснифлаш: йирик ва кичик, ички ва ташқи, техник ва нотехник, иқтисодий ва ижтимоий. Лойиҳа иштирокчилари. "Лойиҳани бошқариш" тушунчаси, лойиҳаларни бошқаришнинг инвестицияларни бошқариш ва унинг функционал бошқаруви билан ўзаро боғлиқлиги. Лойиҳаларни бошқаришнинг асосий тушунчалари таснифи.

Стратегик аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳалар, стратегик тармоқлар ва йирик корхоналарнинг узоқ муддатли техника сиёсати нуқтаи назаридан ишлаб чиқиладиган янги лойиҳаларни амалга оширишнинг муддатлари ва шартларини мувофиқлаштириш йўналишлари.

Инвестицион давр, мазмуни ва лойиҳани ишлаб чиқиш босқичлари. Лойиҳани тайёрлаш даври босқичлари. Лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш. Лойиҳанинг инвестицион ғоясини шакллантириш. Инвестицион лойиҳа вариантларини ишлаб чиқиш. Лойиҳанинг ҳаётийлик даври: инвестициядан олдинги, инвестиция даври ва эксплуатация фазаси. Лойиҳанинг дастлабки режаси.

Лойиҳавий молиялашнинг моҳияти, шакллари ва усуллари. Лойиҳавий молиялашнинг реал инвестицияларни анъанавий кредитлашдан фарқи. Хорижда лойиҳавий молиялаш. Лойиҳавий молиялашнинг асосий шакллари ва схемалари. Лойиҳа даври банк нуқтаи назарида. Параллел ва кетма-кетлик молиялаш асосида лойиҳавий молиялаш.

Лойиҳавий молиялаштиришда эътиборни тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратиш, инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда ички манбаларни сафарбар қилиш ҳажмини ошириш.

Лойиҳани бошқаришни ташкил этишнинг мақсадлари. Режалаштириш ва бошқаришнинг ташкилий даражалари. Лойиҳа бўйича мониторинг ишлари. Яқунланган қурилиш объектларини фойдаланишга қабул қилиш. Самарадорликни баҳолашнинг асосий тамойиллари ва умумий схемаси. Лойиҳа самарадорлигини ҳисоблаш учун зарурий маълумотлар.

Молия бозори конъюнктураси тушунчаси, таркиби, уни тадқиқ этиш тамойиллари. Инвестиция ликвидлигини баҳолаш. Қимматли қоғозлар бозорида маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш. Биржа бозори конъюнктурасини техник таҳлили хусусиятлари. Банклараро кредитлар ва захира фондлари. Валюта опционлари ва фьючерслари, форвард битимлари. Банклараро своп операцияси. Лойиҳа рискин таҳлил қилишнинг моҳияти. Лойиҳадаги риск турлари. Лойиҳа рискларини тадқиқ қилиш усуллари таснифи. Лойиҳа рискларини баҳолаш. Лойиҳаларни молиялаштиришда рискларни ҳисобга олиш. Инвестицион портфелни шакллантириш механизми. Маблағларни қуйилма қилиш йўналишини танлаш.

Инвестицияларни молиялаштириш самарадорлигини ошириш, корхоналарнинг инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда тижорат банклари ресурсларидан фойдаланишини кучайтириш.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этувчиларнинг иқтисодий манфаатдорлигини таъминлашнинг долзарб масалалари.

Инвестицион вазиятнинг фундаментал (сифат) таҳлили. Лойиҳа рискларини аниқлаштириш. Лойиҳа рисқи устидан сифатли баҳолашни амалга ошириш учун зарурий ҳаракатларни белгилаш. Риск ҳақидаги маълумотларни ҳужжатлаштириш. Риск назорати. Кутилмаган рисклар. Кўзда тутилмаган харажатларни қоплаш учун маблағларни захиралаш. Капитал қўйилмалар рискин баҳолаш учун молиявий таҳлил воситалари.

Лойиҳа рискларининг миқдорий таҳлили. Рискни миқдорий баҳолашга умумметодик ёндашувлар. Лойиҳа рискларини таҳлил қилиш усуллари. Рискни эксперт таҳлили. Дельфи методи. «Монте Карло» усули. Мастер риск. Риск шкаласи ва уни тебранишининг тавсифи. Рискни миқдорий баҳолаш учун фойдаланиладиган махсус кўрсаткичлар.

СУҒУРТА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

Суғуртанинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти. Суғуртанинг асосий белгилари. Суғуртанинг ўзига хос функциялари ва фондлари. Бозор иқтисодиётида

суғуртанинг тутган ўрни. Суғурта атамалари (суғурта ходисаси, суғурта мукофоти ва суммаси, суғурта шартномаси ва полиси, суғуртажавобгарлиги ва бошқалар). Суғуртанинг гуруҳланиши. Суғурта бозирининг субъектлари ва объектлари.

Суғурта қонуний асослари ва унинг мазмуни. Суғурта қонунчилиги ва унинг таркибига кирувчи қонунчилик ҳужжатлари. Умумий суғурта қонунчилиги. Махсус суғурта қонунчилиги. Суғурта қонунчилигида “Фуқаролик кодекси” ва ундаги 52-бобнинг тутган ўрни ва аҳамияти. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисидаги” қонуни ва мазмуни. Давлат суғурта назорати инспекциясининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари. Суғурта шартномаси ва унинг шартлари.

Ўзбекистон суғурта бозорни замонавий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари. Ривожланган давлатларда суғурта бозорни профессионал иштирокчилари. Суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг фаолияти. Маҳаллий суғурта хизматлари бозори фаолияти. Ривожланган давлатларда ва Ўзбекистонда суғурта бозорини таркибий тузилишини таҳлили. Ўзбекистонда суғурта бозорини самарали инфратузилмасини яратиш муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари.

Мулк суғуртасининг асосий турлари. Мулк суғуртасини туркумланиши. Мулк суғуртасини ташкил этиш хусусиятлари. Юридик ва жисмоний шахслар мулкларини суғурталаш. Мулк суғуртасида тарифларини ҳисоблаш усуллари. Мулк суғуртасида зарарни баҳолаш ва суғурта қопламасини аниқлаш усуллари. Мулк суғуртасини такомиллаштириш масалалари.

Жавобгарлик суғуртасининг иқтисодий моҳияти. Жавобгарлик суғуртасининг асосий турлари. Жавобгарлик суғуртасининг туркумланиши. Жавобгарлик суғуртасини ташкил этиш хусусиятлари. Жавобгарлик суғуртасида тарифларини ҳисоблаш усуллари. Зарарни баҳолаш ва суғурта қопламасини аниқлаш усуллари.

Умумий суғурта тармоғида суғурта маркетингининг моҳияти ва аҳамияти. Умумий суғурта тармоғида суғурта маҳсулотлари ва уни сотиш каналлари. Умумий суғурта тармоғида суғурта компаниялари ўртасида рақобат. Умумий суғурта тармоғида риск менеджменти. Умумий суғурта таромғини тартибга солишда ва бошқаришда назорат органларининг роли ва ўрни. Умумий суғурта тармоғида андеррайтинг. Умумий суғурта фаолиятида инфор­мацион технологиялар менеджменти.

Ҳаёт суғуртанинг иқтисодий моҳияти. Ҳаёт суғуртасининг туркумланиши. Ҳаёт суғуртасининг асосий турлари. Ҳаёт суғуртасини ташкил этиш хусусиятлари. Ҳаёт суғуртасида тарифларини ҳисоблаш усуллари. Ҳаёт суғуртасида зарарни баҳолаш ва суғурта қопламасини аниқлаш усуллари. Ҳаёт суғуртасини такомиллаштириш масалалари.

Ҳаёт суғурта тармоғида суғурта маркетингининг моҳияти ва аҳамияти. Ҳаёт суғурта тармоғида суғурта маҳсулотлари ва уни сотиш каналлари. Ҳаёт суғурта тармоғида суғурта компаниялари ўртасида рақобат. Ҳаёт суғурта тармоғида риск менеджменти. Ҳаёт суғурта таромғини тартибга солишда ва бошқаришда назорат

органларининг роли ва ўрни. Ҳаёт суғурта тармоғида андерайтинг. Ҳаёт суғурта фаолиятида инфор­мацион технологиялар менеджменти.

Замонавий суғурта технологияларининг моҳияти, аҳамияти ва тасниф­ланиши. Умумий ва ҳаёт суғурта тармоғида замонавий суғурта технологияларни қўлаш. Замонавий суғурта технологияларининг суғурта ташкилотлари бизнес жараён­лаидаги ўрни ва роли. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятни олиб боришнинг замонавий кўринишлари. Суғурта менеджменти ва суғурта маркетингида замонавий суғурта технологиялари. Хорижий давлатларда суғурталашнинг замонавий технологиялари.

Инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини таъминлаш суғурта технологияларининг ўрни. Қайта суғурта ва қайта суғурта шартномаларининг турлари. Қайта суғурта компаниялари фаолиятини ташкил этиш асослари. Суғурта соҳасида фирибгорликка қарши замонавий технологиялари. Суғурта фирибгарлиги турлари. Суғурталовчиларни ва суғурталанувчилар суғурта фирибгарликларидан ҳимоялаш механизмлари.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. - 48 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. - 103 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо эта­миз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросими­га бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. - 56 б.
4. Алехин Б.И. Рынок ценных бумаг. Введение в фондовые операции.-Самара: Самвен, 1992.
5. Биржевое дело: Учебник / Под. ред. В.А. Галанова, А.И. Басова. - М.: Финансы и статистика, 1998.
6. Бутиков И. Л. Қимматли қоғозлар бозори. -Тошкент: Консадитинформ, 2001.
7. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия: умумназай масалалар. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Молия-иқтисод, 2008.
8. Вылкова Е.С., Романовский М.В. Налоговое планирование. –СПб.: Питер, 2004.–193 с.
9. Гизатуллин Х.Н., Зарипова И.Р. Формирование и проблемы расширения самостоятельности местных бюджетов в условиях рыночных отношений. 2-изд. – Уфа: Институт экономики УрО РАН, 2001 г.
10. Гитман Л.Дж., М.Д.Джоник. Основы инвестирования.-М.: Дело, 1997.

11. Долженкова Л.Д. Влияние экономики США на положение в мировом хозяйстве // Банковское дело, №6, 2001.—с 2-7.
12. Доронин И.Г. Новые явления и тенденции в экономике и на финансовом рынке западных стран//Деньги и кредит. -Ташкент, 2003.-№9,—с.59-61.
13. Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. -Т.: Фан, 2004. - 243 б.
14. Завалишина И.А. Солиқлар: назария ва амалиёт. - Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 2005. - 544 б.
15. Зайналов Ж.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. - С: Самарқанд кооператив институти, 2002. - 366 б.
16. Йўлдошев М., Турсунов Й. Молия ҳуқуқи. – Т.: Молия, 2000. -212 б.
17. Кейнс Дж. Общая теория занятости, процентов и денег. Пер. с англ. Общ. Ред. А.Г. Милейковского и И.М. Осадчей. - М.: « Прогресс», 1978
18. Килячков А. А., Чаадаева Л. Д. Рынок ценных бумаг и биржевой дело.-М: ИКисть, 2000
19. Ковзанадзе И.К. Достаточность капитала - ключевой элемент устойчивости коммерческого банка // Банковское дело, №12, 2001.—с.5-8
20. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика / Пер. 16-го англ. изд. –М.: ИНФРА-М, 2006. – 940 с.
21. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т.: Академия, 2002. - 204 б.
22. Маликов Т. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси Тошкент: Молия-иқтисод, 2009.
23. Маликов Т., Хайдаров Н. Молия: умумдавлат молияси. – Тошкент: Молия-иқтисод, 2009.
24. Миркин Я. М. Ценные бумаги и фондовый рынок.-М: Перспектива, 1995
25. Пушкарева В.М. История финансовой мысли и политики налогов. -М.: Фынаны и статистика, 2003. - 256 с.
26. Рубцов Б. Б. Зарубежные фондовые рынки. - М: Финансы и статистика, 1996
27. Рынок ценных бумаг и его финансовые институты: Учебное пособие/ Под. ред. В.С. Таркановского, - СПб: АО «Комплект», 1994.
28. Собиров Х.Р. Ўзбекистоннинг давлат молияси тарихи. -Т.: "Таълим манбаи" жамияти, 2002. - 152 б.
29. Финансы. /Под ред. Л.А. Дробозиной -М.: ЮНИТИ, 2003. - 350 с.
30. Хайдаров Н. Молия. -Т.: Академия, - 2001. - 72 б.
31. Христенко В.Б. Межбюджетные отношения и управление региональными финансами: обзор, проблемы, перспективы. - М., 2002 г.
32. Шарп У., Александер Г., Бейли Дж. Инвестиции: Пер. с англ.-М: ИНФРА-М, 1999.-ХП.
33. Шохаъзамий Ш. Ш. Качество индустрии рынков: финансового и ценных бумаг. -Т.: Фан, 2004.

34. Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение. – М., 2002г.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Тошкент давлат иқтисодиёт
университети Илмий ишлар ва
иниовациялар бўйича проректори
Г.Ж. Абдурахманова**



(Handwritten signature in blue ink)

2021 й.

**08.00.07. - «Молия, пул муомаласи ва кредит»
ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон**

С А В О Л Н О М А С И

Тошкент – 2021

1. “Солиқ” тушунчасининг таърифини айтинг.
2. Акция, вексел ва облигацияларнинг ўзаро фарқлари.
3. Акциядорлик жамиятлари капиталлари ва унинг шаклланиши.
4. Банкларнинг қимматли қоғозлар билан дилер ва брокерлик операцияларининг фарқи.
5. Банкларнинг фоиз сиёсати ва унинг таъсири.
6. Бюджет тақчиллиги тушунчаси.
7. Бюджет тузилмаси ва бюджет жараёни.
8. Ҳазначилик бўлинмаларида нархлар мониторингини амалга ошириш тамайиллари.
9. Ҳазначилик тизимида юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш тартиби.
10. Ҳазначиликнинг асосий вазифаларини санаб беринг.
11. Давлат бюджети даромадлар қисмининг шакллантирилиши.
12. Давлат қарзи тушунчаси, иқтисодий моҳияти ва таркиби.
13. Давлат қимматли қоғозларининг турлари.
14. Давлат молияси ва унинг бўғинлари.
15. Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалари.
16. Кредит, турлари ва унинг иқтисодий ривожлантиришдаги роли.
17. Қимматли қоғозлар бирламчи ва иккиламчи бозорини изоҳланг.
18. Қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солиш тартиби
19. Қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солиш тартиби.
20. Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш йўллари.
21. Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш йўллари.
22. Марказий банкнинг монетар индикаторлари ва уларнинг тавсифи.
23. Маҳаллий бюджетлар ва уларнинг даромадларини шаклланиш хусусиятлари.
24. Молия бозори ва инструментлари
25. Молия тизими ва унинг элементлари.
26. Молиянинг моҳияти ва функциялари
27. Молиянинг моҳияти ва функциялари.
28. Пул массасининг таркиби ва динамикаси.
29. Республикамизда инвестицион муҳитни янада яхшилаш, солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш.
30. Соддалаштирилган солиққа тортиш тартибини изоҳланг.
31. Солиқ мажбуриятлари деганда нима тушунилади?
32. Солиқ механизмининг асосий элементларини айтиб беринг.

33. Солиқ юки нима?
34. Солиқ кредити нима?
35. Солиққа тортишнинг тамойилларини айтиб беринг.
36. Солиқларни прогнозлаштиришнинг аҳамияти.
37. Солиқларнинг қанақа функциялари мавжуд?
38. Суғурта агенти деганда кимлар тушунилади ва уларнинг суғурталаш борасидаги ўрни нималардан иборат?
39. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини тузиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби.
40. Суғурта сири деганда нима тушунилади?
41. Суғурта соҳалари ва турларини изоҳлаб беринг.
42. Суғурта соҳалари ва турларини изоҳлаб беринг.
43. Суғурта тушунчасига таъриф беринг ва суғурта фаолияти деганда нима тушунилади?
44. Суғурталовчиларни қайта ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.
45. Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш.
46. Тижорат банклари фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари.
47. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш усуллари.
48. Тижорат банкларининг активлари ва уларни бошқариш.
49. Тижорат банкларининг ликвидлиги ва уни бошқариш.
50. Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари.
51. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг солиқсиз даромадларига нима киради?
52. Ўзбекистон Республикасида Давлатнинг инвестицион сиёсат дастури.
53. Ўзбекистон Республикасида қандай солиқлар ва йиғимлар амал қилади?
54. Ўзбекистонда валюта сиёсатини либераллаштириш ва банкларнинг валюта операциялари.
55. Ўзбекистонда инфляцион таргетлаш режимини жорий этиш истиқболлари.
56. Ўзбекистонда пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва Концепцияси.
57. Умумбелгиланган тартибда солиққа тортиш деганда нима тушунилади?
58. Фойда ва унинг турлари.
59. Эркин савдо зоналарини барпо этишнинг иқтисодий моҳияти.
60. Янги Ўзбекистон даврида Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиниши ва ўзгаришлар.